

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОТЛАР

Самиев Шохрух Фахриддин ўғли

Тошкент давлат транспорт университети докторанти

Аннотация: *Ушбу илмий мақолада глобаллашув шароитида электр энергияси тармоғида олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари, тармоқда сақланиб қолаётган муаммолар, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш жараёнидаги табиий монополь ҳолатлари, электр энергетика соҳасини тартибга солиш ва бошқаришдаги муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *электр энергетика, электр энергиясини ишлаб чиқариш, табиий монополия, рақобат муҳити, энергия ресурслари, энергия объектлари, иссиқлик электр станцияси, иссиқлик электр марказлари, муқобил энергия манбалари, гидроэлектрстанцияси, нефть маҳсулотлари.*

КИРИШ

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида асосий тармоқлардан бири электр энергетика тармоғи ҳисобланади. Давлатнинг истиқболли ривожланиши ҳар доим унинг энергия ресурслари ва электр энергияни ишлаб чиқариш салоҳиятига қараб баҳоланади. Иқтисодиёти ривожланган, жумладан, АҚШ, Европа давлатлари, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва Малайзия каби давлатлар иқтисодиётига эътибор қаратадиган бўлсак, уларда замонавий инновацион технологияларга асосланган электр энергияни ишлаб чиқариш соҳаси мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида ҳар доим узлуксиз (мунтазам) ва сифатли электр энергетикаси таъминотига муҳтожлик сезилади. Жумладан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва инфратузилма соҳаларини электр энергия билан бир вақтнинг ўзида таъминлаш мураккаб технологик жараён ҳисобланади. Чунки электр энергияга бўлган талаб ва таклиф бир вақтнинг ўзида содир бўлади. Доимо барча тармоқ ва соҳаларнинг электр энергияга бўлган талаби ошиб боради, лекин мунтазам равишда барча тармоқ ва соҳаларни электр энергия билан бир вақтнинг ўзида таъминлаш бир қанча мураккабликларни келтириб чиқаради. Бутун дунё мамлакатларида электр энергетикага бўлган талаб ошиб бораётганлиги учун мамлакатлар иқтисодиётида глобал муаммоларни келтириб чиқармоқда. Чунки ер юзида электр энергияни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган энергия ресурслари нотекис тақсимланган.

Мамлакатимизда электр энергияни ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш борасида узоқ йиллик

тажрибага эга ҳисобланади. Шу сабабли, сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларини мунтазам энергия билан таъминлаш борасида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти биринчи марта мамлакатимиз парламенти - Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун мамлакатимиз энергетика тизимини ислоҳ қилишимиз, бу борада аниқ стратегия ишлаб чиқишимиз лозим. Аввало, самарасиз ва зарар билан ишлайдиган корхоналарни хусусийлаштириш, монополияни тугатиш керак. Шунингдек, электр энергиясини етказиб беришда рақобат муҳитини шакллантириш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш зарур. Бунинг учун хусусий секторни кенг жалб этган ҳолда, ишлаб чиқаришни молиялаштириш бўйича бозор механизмларига ўтиш талаб этилади» [1] дея қайд этган.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида, электр энергияга бўлган талаб ҳар доим ошиб боради. Электр энергияга бўлган талаб қанчалик юқори бўлса, унинг нархи ҳам шунчалик ошиб боради. Электр энергияни ишлаб чиқаришда сарфланадиган энергия ресурсларининг аксарияти қайта тикланмайдиган ресурслар ҳисобланади. Бу эса маҳсулот ва хизматларнинг таннархига ўз таъсирини ўтказди. Иқтисодиётда ўсиб бораётган талаб ҳар доим юқори чегарадаги нархлар орқали қондирилади. Электр энергетика тармоғида рақобат муҳитини доимо шакллантириб бориш, нархларни пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда энергия ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, соҳаларда энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш, энергия ишлаб чиқариш станцияларини модернизациялаш, замонавий технологиялардан ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиб ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда олиб борилаётган ислоҳотлар сифатида: соҳа ва тармоқларнинг мустақил ривожланишини таъминлаш; табиий монополиялар таркибига кирувчи соҳа ва тармоқлар фаолиятида таркибий ислоҳотларни амалга ошириш орқали асосий ва хизмат кўрсатиш бўғинларига ажратиш, соҳанинг хизмат кўрсатиш бўғинларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш; вилоятлар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурлар қабул қилиш орқали; электр энергияни ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш соҳаларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва соҳада хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш амалга оширилмоқда.

Республикамиз электр энергетика тармоқларида олиб борилаётган ислоҳотлар бўйича Н. Юсупова [2], Л.А. Соколова [3], А.Г. Нуриддинова [4] каби олимлар илмий

тадқиқотлар олиб боришган. Уларни аксарият илмий тадқиқот ишлари электр энергетикаси соҳасидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган.

Энергетика тармоғини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳар доим давлат томонидан амалга оширилган ва у доимо табиий монополиялар соҳалари таркибида бўлган. Шу сабабдан ҳар доим ишлаб чиқарилган электр энергияси нарх (тариф) лари давлат томонидан белгилаб келинган.

Дунёда электр энергияни ишлаб чиқариш бўйича мамлакатлар гуруҳи куйидагича жойлашган: Жанубий Америка, Ғарбий Европа, Осиё, МДХ мамлакатлари, Лотин Америкаси, Африка, Австралия. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда умумий электр энергиясининг 80 фоизи ишлаб чиқарилса, ривожланаётган мамлакатлар эса 20 фоизни ташкил қилади. [5]

Электр энергетика соҳаси халқ хўжалигини ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган умумдавлат ва ўзгармас ресурслар билан таъминловчи иқтисодиётнинг асосий секторини ташкил этади. Электр энергиясини узатиш ва тарқатиш соҳасида рақобатни ривожлантиришга қаратилган объектив тўсиқ, ҳар қандай инфратузилма соҳасида бўлгани каби, ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари бўлиб ҳисобланади. [6]

Ривожланган давлатлар электр энергетика соҳасида фаолият юритаётган компаниялар, электр бозорида ўз истеъмолчиларига эга бўлиш учун, доимо ўзларининг анъанавий бошқа-рув механизмларини такомиллаштириб бориш-моқда. Жумладан, соҳани ривожлантириш бўйи-ча узоқ муддатли стратегиялар ишлаб чиқил-моқда, электр энергияси учун олдиндан тўлов-ни амалга ошириш бўйича рағбатлантириш ме-ханизмлари жорий этилмоқда, соҳада капитал қўйилмаларкириш тизимини такомиллашти-риш ва мижозларга хизмат кўрсатишда самарали инновацион ғояларга асосланган дастурлари ишлаб чиқилмоқда. [7]

Энергетика соҳасидаги мавжуд муаммолар йиғилиб, соҳа ва тармоқларнинг ривожланиши ва уларнинг молиявий ҳолатини шубҳа остига солиб қўйиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун электр энергетикаси соҳаси ривожланишига муносиб тарзда (қайта тикланадиган манбалардан фойдаланишни кенгайтириш, кам харажатли технологиялардан самарали фойдаланиш, фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни олдиндан тўлаб бориш, соҳага хорижий капитал миқдорларини жалб қилишни ошириш орқали рақобат муҳитини шакллантириш) эътибор қаратиш керак бўлади. [8]

The electricity market of any country has historically been under state control, and the regulation and management of network activities has been governed not by market mechanisms but by public administration mechanisms. Over-centralization of the process of electricity generation and supply to consumers will keep the network in a monopoly position. As a result, it hinders the use of more flexible and diverse forms of electricity generation and sales management, as well as various forms of barriers to market liberalization and the effective formation of a competitive environment. [9]

In the world's experience, the need for widespread use of alternative and renewable energy sources is determined by the rapid growth of the demand for electricity, which will increase by 1.5 times by 2030 compared to 2010, that is, by 2050, it will increase by 3 times. [10]

The main problem facing the oil and gas industry today is the importance of using low-cost methods in the production and delivery of finished products to consumers. For this, effective management of the supply chain in the field is to increase the efficiency and competitiveness of oil and gas enterprises and its supply in general. [11]

While ensuring energy security is not easy, it is important to take steps to achieve it.

Energy security is a multifaceted concept that has dimensions of particular importance: technical and physical obsolescence resulting from infrastructure breakdowns, natural disasters, social unrest, political actions, or acts of terrorism; long-term physical availability of energy supply to meet future growing demand; harmful effects on economic activity and the population due to energy shortages, prices or price changes; serious consequences affecting human health, damage from terrorist acts that damage various forms of property. [12]

As the population of the earth is increasing, their needs are also increasing accordingly. Science and technology are being developed by world scientists in order to effectively meet human needs. As a result of the development of science and technology, the economy of the countries of the world is developing. For the effective development of the country's economy, regular and high-quality electricity supply is necessary. No country's economy can develop without electricity. Electricity generation and supply to consumers are separated by their own characteristics. At the same time, the production of electricity requires a large amount of non-renewable energy sources (natural gas, coal, oil products, etc.). This causes the cost of electricity production to increase. Renewable energy sources, namely the "green four" energy (solar, wind, hydro, and nuclear energy) are needed for low-cost electricity generation. [13]

Республикамиз электр энергетика тармоғини ривожлантириш борасида, Президентимиз томонидан бир қанча фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши соҳада кўплаб ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда.

Электр энергияни ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари етказиб бериш жараёнларида фойдаланиладиган асосий техник воситалар юқори даражада эскирган. Бу техник воситаларни замонавий энергия тежовчи воситалар ва технологиялар билан алмаштириш учун катта ҳажмдаги капитал ва хорижий инвестиция талаб этилади.

Мамлакат иқтисодий жиҳатдан ривожланиши учун унинг саноат корхоналари, яъни реал секторларида фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотлар

ривожланиши керак. Қачонки саноат тармоғидаги корхона ва ташкилотлар ривожланса, мамлакат иқтисодий жиҳатдан юксалади. Бунинг учун мамлакатнинг электр энергетика тармоғи ривожланиши зарур. Чунки, барча тармоқ ва соҳаларнинг ривожланиши замирида албатта, электр энергетика тармоғи муҳим ўрин тутди.

Тадқиқот методологияси. Мақолада мамлакатимиздаги электр энергетика тармоғини бошқаришдаги мавжуд муаммоларни илмий жиҳатдан ўрганиш, қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Электр энергетика тармоғидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни соҳанинг етакчи мутахассис ва иқтисодчи олимлари томонидан ўрганилиб, хорижий илғор мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда тадқиқотлар олиб бориш орқали уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, иқтисодчи олимлар томонидан электр энергияни ишлаб чиқаришда атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришлари натижасида юзага келиши мумкин бўлган экологик ва иқтисодий зарарлар, дунё мамлакатлари бўйича энергетика ресурслари ва қазилма бойликларнинг нотекис тақсимланиш ҳолатлари илмий жиҳатдан ўрганилиб, уларни бартараф этиш борасида ўз фикрларини баён этмоқдалар.

Мамлакатда аҳоли сонининг ўсиши, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланиши ҳисобига, иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотларнинг кўпайиши натижасида электр энергияга бўлган талаб ҳам параллель равишда ошиб боради. Лекин электр энергияга бўлган талаб ошиб борган сари, электр энергияни ишлаб чиқариш соҳасидаги муаммолар ҳам шунчалик ошиб боради. Чунки кўшимча миқдорда электр энергияни ишлаб чиқариш энергия ресурсларига бўлган талабни ҳам оширади, йилдан-йилда энергия ресурсларининг етишмовчилиги вужудга келади. Бу эса, электр энергия нарх (тариф) ларининг ошишига сабаб бўлади.

Республикамиз электр энергетикаси соҳасидаги мавжуд муаммолар сифатида куйидагиларни келтириб ўтиш лозим:

- электр энергиясини ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш иқтисодиётнинг асосий тармоғи ҳисобланади;

- электр энергетикаси ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларни назорат қилиш, тартибга солиш ва бошқариш борасидаги назарий билимларнинг етарли даражада илмий асосланмаганлиги;

- электр энергетикаси соҳасида табиий монопол ҳолатларнинг мавжудлиги (электр энергиясини ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий тармоқлар орқали етказиб бериш);

- соҳада рақобат муҳитининг йўқлиги; электр энергиясини ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб

бериш соҳасида фаолият олиб бораётган кадрлар, асосан, ўрта маълумотли кадрлар ҳисобланади ва уларда тажриба малакасининг етишмаслиги;

- электр энергиясини ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш соҳасида замонавий технологияларнинг етишмаслиги;

- иқтисодиётнинг реал секторида электр энергетикаси соҳаси салмоғининг юқори эканлиги.

Республикамизда истеъмолчиларнинг электр энергияга бўлган талаби йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ошиб бораётган талабни қондириш учун электр энергияни ишлаб чиқариш қувватини ҳар йили кўпайтириб бориш, соҳада мавжуд бўлган «Табиий йўқотилиш» миқдорини (электр энергияни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган технологияларни янги замонавий технологияларга ўзгартириш, магистрал линиялар ва ҳудудий тармоқларда фойдаланиб келинган электр узатувчи кабелларни ва трансформаторларни янгилаш орқали) камайтириши мумкин. Соҳада қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб энергия ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бу орқали рақобат муҳитини ривожлантириш зарур бўлади.

Республикамизда электр энергияни ишлаб чиқариш «Иссиқлик электр станциялари» АЖ таркибига кирувчи 6 та иссиқлик электр станциялари ва 3 та иссиқлик электр марказлари томонидан амалга оширилади. Энергия ресурслари таъминотчилари табиий газ ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналар бўлиб, «Ўзбекқўмир» АЖ ва бошқа корхоналар ҳисобланади. Электр энергиясини магистрал линиялар орқали узатиб бериш билан «Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари» АЖ шуғулланади. Аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига электр энергияси етказиб бериш билан «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ таркибига кирувчи корхоналар шуғулланади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган электр энергия асосан табиий газ, нефть ва газ конденсати, қўмир ва сувдан фойдаланган ҳолда олинади. Шундан асосий қисмини табиий газ ташкил қилади, бу эса ишлаб чиқарилган электр энергияси таннархининг қимматлашишига олиб келади. Буни 2.1-жадвалда келтирилган маълумотлар орқали ҳам кўришимиз мумкин. Аҳоли жон бошига бирламчи ёқилғи-энергетика ресурслари ўлчов бирлиги сифатида т.н.э. эквивалентликда кўрсатилган.

1-жадвал. Аҳоли жон бошига бирламчи ёқилғи-энергетика ресурслари (т.н.э.)

Ёқилғи-энергетика ресурслари	йиллар										2020 йилдан 2000 йилнинг фарқи
	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020		
Ўзбекистон Республикаси бўйича	2,2	2,2	2,1	1,6	1,6	1,6	1,7	1,6	1,3		-0,9
шундан:											
Нефть ва газ	0,3	0,2	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1		

конденсати									0,1	-0,2
Табий газ	1,9	1,9	1,9	1,4	1,4	1,4	1,5	1,5	1,2	-0,7
Кўмир	0,03	0,03	0,03	0,03	0,03	0,03	0,04	0,03	0,03	0
Гидроэлектро-энергия	0,01	0,03	0,02	0,02	0,02	0,02	0,02	0,02	0,01	0

1-жадвалдаги маълумотларга кўра, нефть ва газ конденсати ресурслари 2000 йилда 0,3 т.н.э. ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 0,2 т.н.э. га камайиб, 0,1 т.н.э.ни ташкил қилган. Табий газ ресурслари 2000 йилда 1,9 т.н.э.ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 0,7 т.н.э.га камайиб 1,2 т.н.э.ни ташкил қилган. Кўмир ресурслари 2000 йилда 0,03 т.н.э.ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда худди шу кўрсаткични ташкил қилган. Гидроэлектроэнергия ресурслари 2000 йилда 0,01 т.н.э. ташкил қилган бўлса, 2020 йилда ҳам худди шу кўрсаткич кузатилган.

Юқорида келтирилган таклифларга қўшимча сифатида электр энергетика тармоғидаги муаммоларни ҳал этишда ва соҳада самарадорликни ошириш учун иқтисодий тармоқларига хизмат қилувчи саноат корхоналарини айнан, иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари жойлашган ҳудудга яқинроқ бўлган жойларда қуришни режалаштириш керак.

Мамлакатимизда электр энергетика тармоғи бугунги кунда учта мустақил акционерлик жамиятларига ажратилган. Булар: электр энергияни ишлаб чиқариш; электр энергияни магистрал линиялар орқали узатиш; ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш. Буларнинг ичида электр энергияни магистрал линиялар орқали узатиш ҳар доим табий монополия хусусиятини ўзида сақлаб қолади. Электр энергияни ишлаб чиқариш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш соҳаларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш имконияти мавжуд.

Хулоса. Ўзбекистон Республикаси электр энергетика тармоғи жуда қийин ҳолатда фаолият олиб бормоқда, сабаби йилдан-йилга мамлакат иқтисодий ривожланиш йўлида катта қадамлар ташламоқда. Аҳолининг турмуш тарзи ҳам яхшиланиб бормоқда, бунинг учун эса қўшимча электр энергия талаб этилади. Республикада электр энергияни ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали узатиш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг умумий муаммолари куйидалар:

- мамлакатимиз мустақилликка эришган йиллардан бошлаб, ҳозирги вақтгача электр энергетика тармоғи қолган тармоқ ва соҳалар учун донорлик (кўмак бериш) вафасини бажариб келмоқда;

- электр энергияни ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш соҳаларида кадрлар салоҳияти кониқарсиз ҳолатда. Электр энергетика тармоғининг барча бўғинларида кадрлар етиштириб бериш, уларнинг малакасини ошириш (ўрта бўғиндаги кадрларни – маҳаллий малака ошириш институтлари, юқори бўғиндаги кадрлар – хорижий давлатларда) тизими тўғри йўлга қўйилмаган;

- электр энергетика тармоғида учта мустақил акционерлик жамиятининг ташкил этилиши соҳадаги бошқарув харажатларининг ошишига сабаб бўлмоқда;

- республикада электр энергия бўйича нарх (тариф)ларни белгилаш, ҳозиргача республиканинг ишчи гуруҳи (Вазирлар Маҳкамаси қошида ташкил этилган ишчи гуруҳ комиссияси) томонидан белгиланмоқда. Электр энергия бўйича нарх (тариф)ларни белгилаш бозор тамойиллари асосида (иқтисодиёт тармоқлари бўйича табақалаштириш асосида) амалга оширилиши лозим;

- электр энергияни ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали узатиш билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятининг бошқарув тизимида ҳозиргача эски тамойиллар сақланиб қолмоқда.

Республикада электр энергетика тармоғи бўйича юқорида келтириб ўтилган муаммоларни бартараф этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- электр энергияни ишлаб чиқариш тармоғида фойдаланиб турилган асосий воситаларни босқичма-босқич замонавий технологияларга алмаштириш ишларини жадаллаштириш;

- иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказларидаги бошқарув фаолиятини такомиллаштириш керак. Бошқарув фаолиятини кам харажатлилик тамойилларига мослаштириш ва замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш;

- иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказларидаги эскирган ускуналарни рўйхатга олиб, янги турдаги замонавий воситалар билан таъминлаш;

- ИЭС ва ИЭМ томонидан атроф-муҳит экологиясига таъсир этишни камайтириш зарур. Бунинг учун атроф-муҳит экологиясига таъсир даражасини камайтириш бўйича замонавий дастурлар қабул қилиш ва замонавий илғор технологиялардан фойдаланиш;

- электр энергияни ишлаб чиқаришда давлат хусусий шерикчилик, хорижий инвесторларни жалб этиш орқали соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ишларини тезлаштириш;

- электр энергияни магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий электр тармоқлари орқали етказиб беришда «Табийий йўқотилиш» миқдорини камайтириш учун янги энергия тежовчи воситалардан фойдаланиш миқдорини ошириш;

- электр энергияни ҳудудий электр тармоқлари орқали узатиш билан шуғулланувчи давлат тасарруфидаги корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариб, тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Хабар.uz 22 декабрь 2017 й. <https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

2. Юсупова Н. Реформирование электроэнергетики. // «Бозор, пул ва кредит» № 2. 2008. -С.44-48.
3. Соколова Л. ва бошқалар. Экономические аспекты регулирования водно-энергетического баланса реки Сырдарья. // Энерго и ресурсосбережения, 2005, №1, - С.131-138.
4. Нуриддинова А. Организация инновационной деятельности в электроэнергетике Узбекистана. // Материалы конференции VII Международного Форума «Высокие технологии XXI века» 2006 г. Москва., -С. 351-352.
5. Мажидов Т. Ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари. Дарслик - Т.: 2016.
6. Саидов Машъал Самадович (2021) Электр энергетика соҳасини бошқаришда хориж тажрибасидан фойдаланиш йўллари. Иқтисодиёт ва таълим, 2021 йил, 6-сон. <file:///C:/Users/Acer/Downloads/330.pdf>
7. Йўлдошев Н.Қ., Саидов М.С., Самиев Ш.Ф. (2022) ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТР БОЗОРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ: SWOT –ТАҲЛИЛИ. *Iqtisodiyot va ta'lim / 2022-yil 1-son* <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/348/390>
8. Саидов Машъал Самадович (2023) Электр энергетика тармоғини бошқаришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. “*Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. 1/2023, yanvar-fevral (No 00063). <https://iqtisodiyot.tsue.uz/journal/index.php/iit/article/view/195/228>
9. Saidov Mashal Samadovich (2023). Ways of Introduction of Modern Management Mechanisms in the Electric Power Sector of Uzbekista. *International Journal of Business Diplomacy and Economy* Volume 2, No 1 | Jan- 2023. P. 98-110. <https://inter-publishing.com/index.php/ijbde/article/view/977/843>
10. Saidov Mashal Samadovich (2023). Renewable Energy Sources and Ways of their Implementation in the Republic of Uzbekistan. *INTERNATIONAL JOURNAL ON ECONOMICS, FINANCE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT* ISSN (electronic): 2620 - 6269/ ISSN (printed): 2615 – 4021 Vol. 5 No. 1 | January 2023. P. 38-52. <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/3879/3668>
11. Saidov Mashal Samadovich (2023). Improving Management Efficiency at Oil and Gas Industry Enterprises in Uzbekistan. *Academic Journal of Digital Economics and Stability* Volume 25, Jan-2023. P. 15-24. ISSN 2697-2212 Available Online: <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/622/620>
12. Saidov Mashal Samadovich (2022) WAYS TO ENSURE ENERGY SECURITY IN UZBEKISTAN. *Middle European Scientific Bulletin*, VOLUME 21 Feb 2022. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/1062/977>

13. N.K.Yuldashev, M.S. Saidov. (2023) The Economy of the Countries of the World is Experiencing the Need for Nuclear Power Plants. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMEN. ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023.

<https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1890/1718>

14. Saidov Mashal Samadovich, Vafoeva Zarnigor (2023) Features of Strategic Alliances in the Global Economy. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023.

<https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1896/1725>

15. Saidov Mashal Samadovich. Muidinov Dilmurod Murodzhonovic. (2023) The Development Strategy of International Companies in Modern Conditions. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1897/1726>

16. Saidov Mashal Samadovich, Shodmonov Beknur Olimjonovic (2023) Organization of Control and Evaluation of Effectiveness in International Companies. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023.

<https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1898/1727>

17. Saidov Mashal Samadovich, Mirzakarimov Jasurbek Kochqorboy ugli (2023) Improvement of the Export Strategy in Light Industry Enterprises. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023.

<https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1899/1728>

18. Saidov Mashal Samadovich, Bobamuradov Behruz (2023) Improving Government Regulation of Corporate Governance. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023.

<https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1900/1729>